O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI XIVA SHAHAR KENGASHI

Q A R O R I

220900, Xorazm viloyati, Xiva shahri, N.Kubro ko‘chasi, 27-uy, telefon (62)377-50-58, faks (62)377-50-54

2022 - yil 26 - oktabr VI-78-117-12-217-K/22 Xiva shahar hokimligi

Хива шаҳридаги истироҳат боғини номлаш ва қайта номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “География объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2022 йил 12 августдаги йиғилиш баёнига асосан Халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2022 йил 12 августдаги йиғилиш баёни хулосалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг шаҳардаги истироҳат боғини Хива-Локомотив деб номлаш бўйича тақдим қилган хулосаси маъқуллансин.

3.Шаҳар статистика бўлими (М.Раззоқов), Давлат Кадастрлар палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Хива шаҳар филиали (У.Шакиров), шаҳар қурилиш бўлими (М.Исмаилов) ҳамда тегишли мутасадди ва давлат органларига амалдаги тартибда ном берилган ва номлари ўзгартирилган кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

4.“Хива тонги” газетаси (Ш.Машарипов) ушбу қарорнинг мазмун моҳиятини газета саҳифаларида ёритилишини таъминласин.

5.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соха ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Х.Исмаилов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгаши раиси **Т.Давлетов**